УНДАЛМАЛИ ГАПЛАРДА ИФОДАЛАНГАН АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ВА СЕМАНТИК ВАЗИФАСИ

Дилноза Бахтиёровна Бойматова
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси
dilnoza.boymatova81@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий тилшуносликда ўрганиб келинаётган аксиологик модаллик ва унинг ундалмали гапларда ифодаланиши, прагматик ва семантик вазифалари ёритилган. Шунингдек, ундалма иштирокидаги гапларнинг баҳо ва семантик маъно акс этган жиҳатлари, ундалманинг коммуникатив мақсадни ифода этишда сўзловчининг мурожаати шаклида юзага чиқиши ҳамда “қадрият” семасига эга ундалмаларнинг мулоқот муҳитида турли коммуникатив мақсадларни кўзлайдиган прагматик мўлжалларни режалаштириш учун асос бўлиши бадиий асарлардан олинган мисоллар ёрдамида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: прагматика, модаллик категорияси, аксиологик модаллик, аксиологик баҳо, семантик маъно, коммуникатив мақсад, ундалма, ижобий баҳо, салбий баҳо, киноя.

THE PRAGMATIC AND SEMANTIC FUNCTION OF AXIOLOGICAL MODALITY EXPRESSED IN INTERJECTIONAL SENTENCES

Dilnoza Bakhtiyarovna Boymatova
Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute
dilnoza.boymatova81@gmail.com

ABSTRACT

The article describes the axiological modality studied in modern linguistics and its expression in interjectional sentences, pragmatic and semantic functions. The fact that interjections with the semantics of “value” are the basis for the planning of pragmatic goals for various communicative purposes in a communicative environment its expressed through examples from the literary work.

Keywords: pragmatics, modality category, axiological modality, axioligical evaluation, semantic meaning, communicative purpose, motivation, positive evaluation, negative evaluation, irony.

КИРИШ

Модаллик категорияси тилшуносликнинг доимий равишда ўрганиб келинаётган ҳодисалардан биридир. Ушбу ҳодиса шу пайтгача тил тизимининг синтактик сатҳига хос категория сифатида қаралган бўлса, ҳозирда эса матн таркибидагина шаклланиб, ойдинлашадиган когнитив-дискурсив ҳодиса сифатида ўрганилиб келинмоқда. Модалликнинг ифода имкониятлари жуда кенг, сабаби бу ҳодиса тилнинг барча сатҳларида- фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳларида, шунингдек, матннинг ҳар қандай турида ўзини намоён этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инсонлар ўртасидаги коммуникатив алоқани таъминлайдиган бирлик нутқ эканлиги маълум ҳодисадир. Шу жараённинг, яъни коммуникация учун яроқли, прагматик жиҳатдан ихчам ҳамда мазмунли матннинг яратилишида модаллик категориясининг ролини алоҳида таъкидлаш зарур. Тилшуносликда бу тушунчани ойдинлаштирувчи турли хил қарашлар мавжуд. В.В.Виноградов ва унинг издошлари модалликка “гап мазмунига сўзловчининг ҳиссий муносабати” [3, 259] деб таъриф беради. Н.Маҳмудов ва А. Нурмоновлар сўзловчи маълум объектив мазмун, воқелик ҳақида ахборот бериш давомида шу воқеликка ўзининг шахсий муносабатини (тасдиқлаш, тахмин, ишонч ва бошқалар) ҳам ифодалаш мумкинлигини, ана шу муносабат модал муносабат саналишини таъкидлаганлар [4,60]. Проф. Б.Ўринбоев эса модалликни гапнинг асосий бирлиги, гап семантикасининг энг муҳим компоненти эканлигини айтиб, объектив ва субъектив турлари борлигини эътироф этади [9,122]. Бундан ташқари модаллик тадқиқотчиси Ю. Мирзааҳмедова “модаллик нутқда воқеланаётган фикрга сўзловчининг мойиллик даражаси, майли қандай эканлигини кўрсатади”, деб таъкидлайди [5, 71].

Модаллик прагматиканинг асосий ва кенг ўрганилаётган категорияларидан саналади. Модалликнинг турли баҳо ифодаловчи семалари ва уни ифодаловчи воситалар тадқиқига бағишланган илмий қарашлар мавжуд, лекин шу кунга қадар субъектив модалликнинг тури бўлган аксиологик модалликнинг синтактик сатҳ бирликлари орқали, хусусан, ундалма қатнашган гапларда ифодаланиши монографик планда ўрганилган эмас.

Ўзбек тилшунослигида ундалма ҳақидаги илк маълумотларни Фитратнинг “Наҳв” асарида учратиш мумкин [8,32]. Шунингдек, А. Ғуломов, М. Асқарова, Ғ. Абдураҳмонов, А. Сайфуллаев, Н. Маҳмудов, А.Нурмоновлар ҳам ундалма ҳақида ўзига хос қарашларни илгари сурадилар. Ўзбек тилшунослигида

формал-функционал йўналиш устида иш олиб бораётган олимлар ундалмага “у мантиқан сўз кенгайтирувчиси мақомида бўлиб, кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон, модаллик маъноларини муайянлаштирувчи бўлакдир ”[10,72-91]деб таъриф берилади. Хусусийликдан умумийлик томон боришни афзал билган Н. Аҳмедова эса ундалманинг мазмун кўламини кенгайтирган ҳолда “мурожаат бирлиги” терминини қўллашни маъқул кўради ва буни ўзининг тадқиқотларида ёритиб беради. [6,85-88]. Юқоридаги ундалма ҳақидаги фикрлардан озиқланган ҳолда улар иштирокидаги гапларда англашиланаётган аксиологик модаллик, муносабат, баҳо, семантик маъно акс этган жиҳатларни тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйдик.

С. Боймирзаева фикрича, матн модаллик майдони воқеликка ва маълум қилинаётган ахборотга бўлган субъектив муносабатларнинг кўпқатламли тузилишидан таркиб топади. Бу қатламлар, ўз навбатида, семантик категорияларни ҳосил қилиб, мулоқот муҳитида турли коммуникатив мақсадларни кўзлайдиган прагматик мўлжалларни режалаштириш учун асос бўлади [2,15]. Бу коммуникатив мақсадлар ундалма табиатига боғлиқ ҳолда сўзловчининг мурожаати шаклида юзага чиқади: *-Амирзодам, сиз Ҳиротнинг юксак санъатию ажойиб истеъдодларига ҳавасингиз келиб сўзладингиз (П. Қодиров “Юлдузли тунлар”).*

Инсоннинг объектив олам билан боғлиқлиги унга нисбатан маълум бир муносабатнинг юзага келиши учун замин тайёрлайди, ташқи таъсирлар туфайли юзага келган руҳий кечинмалар, ҳис-туйғуларни ифодалаш, муносабат билдириш, яъни баҳолаш зарурати нутқ жараёнида тилда мавжуд бирликлардан кераклисини танлаб олиб қўллашни тақазо қилади. Бу бирликларнинг қўлланилиши турли хил эмоцияни юзага чиқарадики, баъзида бу вазият билан боғланган бўлади. Е.М.Вольф бежиз эмоционал нутқий бирликларнинг икки хил интенцияга (мақсадга) эга бўлишини айтиб ўтмаган. Биринчи турида тингловчида маълум бир ҳис-туйғу туғдириш мақсади кўзланса, иккинчисида эса сўзловчи ўз ҳиссиётларини маълум қилишга ҳаракат қилади [7, 184]. Бироқ ҳар иккала мақсадни ажратиб олиш мушкул, сабаби ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил коммуникатив вазифа бажарилади ва натижа ҳам бир хилдир. Чунки сўзловчининг баён этаётган нутқ вазиятида эмоция мавжуд бўлади ва унинг қабул қилиниши тингловчининг ҳис-туйғуларига ҳам ўз таъсирини ўтказади :

-Мавлоно, биз сизни Ҳиротдан чорлаб келтирганда янги қасрлар, чорбоғлар қурдириш умидида эдик. Аммо оламга машҳур қадимий обидаларимизнинг бу аҳволини кўриб, ўзингиз ҳам таассуф этсангиз керак.

-Ҳазратим, Улуғбек мирзонинг оламда ягона расадхонаси ҳам мана шу Чиннихона каби ташландиқ аҳволдадир,- деди мавлоно Фазлиддин (П. Қодиров "Юлдузли тунлар").

НАТИЖАЛАР

Тил бирликларини мақсадга мувофиқ равишда қўллаш баҳо бериш жарёнини осонлаштиради ва баҳони акс эттирувчи лексемаларнинг олдинги ўринга чиқишига ёрдам беради. Бизга маълумки, ундалмалар гапни шаклан ва мазмунан мураккаблаштирувчи воситалардан бўлиб, аппелятив вазифадан ташқари эстетик, поэтик ва прагматик вазифаларни ҳам бажаради. Негаки, ундалмалар "объектга нисбатан субъектив баҳолашни ифодалайди" [11,34]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, яъни аксиологик модалликни ифода этувчи восита сифатида ундалмани семантик хусусиятга эгалиги ва прагматик вазифани бажариши нуқтайи назардан 2 гуруҳга бўлишни лозим топдик:

1.Ижобий баҳога эга ундалмалар

2.Салбий баҳога эга ундалмалар.

Ижобий мазмуний баҳога эга ундалмалар яна ички гуруҳларга бўлинади. Ўз-ўзидан аъёнки, бунда ижобий мазмундаги баҳо англатувчи лексемалар фаол ишлатилади.

1.Мақтов мазмунида келган ундалмалар том маънода ижобий руҳда бўлиб, тингловчининг ҳатти-ҳаракатидан сўзловчи мамнун эканлигини билдиради. Бундай нутқий актларда "баракалла", "қойил", "яшавор", "балли", "раҳмат" каби ундов сўзлари фаол ишлатилади: - *Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Сени туққан онангга ва ўқутган устозингга раҳмат! (А. Қодирий "Меҳробдан чаён").*

2.Илтимос мазмунидаги ундалмаларда мулоқот мақсади очиқроқ ва бироз ялинганнамо тарзда кечади : *-Ҳазратим, мендан хатолик ўтган бўлса авф этинг! (П. Қодиров "Юлдузли тунлар").*

3.Миннатдорлик мазмунидаги ундалмали гапларда сўзловчи тингловчига мурожаат қилишда ўзининг ҳиссиётини ҳам билдиради. Инсондаги ҳиссиёт воқеликка баҳо бериш вазифаси ва қобилиятининг уйғун ҳолда шаклланиши орқали юзага чиқади: :*-Амирзодам, мен бир навкарингиз бўлсам ҳам сизга туғушқонимдек меҳр қўйганмен (П. Қодиров "Юлдузли тунлар").*

4. Эркалаш мазмунидаги ундалмали гапларда аксиологик баҳо асосан, субъектив баҳо ифодаловчи *–жон, -гина (-қина, -ғина)* каби қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлади ҳамда нотаниш шахсга нисбатан қўлланилганда "ўзига яқин олишлик" маъноси ифодаланади : *Хурсандман, болажон, ёзганларингиздан хурсандман (Ў.Ҳошимов "Дафтар ҳошиясидаги битиклар").*

5. Бирон бир фаолиятни мамнун бўлиб, ўз истаги билан бажариш семасини англатган ундалмалар кўпроқ гап охирида келиб,мавқейи жиҳатдан юқори турувчи шахсга мурожаат шаклида ифодаланади:-*Бош устига, ҳазратим (П. Қодиров "Юлдузли тунлар").*

МУҲОКАМА

Салбий мазмуний баҳога эга ундалмалар ҳам ўзида субъектнинг маълум муносабатини ифодалайди. Фақат бу муносабатда ижобий ёки нейтрал муносабатдан фарқли равишда салбий баҳога эга лексемаларнинг фаол ишлатилиши билан характерланади:

1.Танбеҳ мазмунидаги ундалмаларнинг акс этишида сўзловчи ва тингловчининг яқинлиги, руҳий ҳолати, ёши ва дунёқараши билан боғлиқ жиҳатлар муҳим ўрин тутади. Бу тарздаги баҳо муносабати асосан, ёши, мансаби, лавозими жиҳатидан катта шахслар томонидан берилиши билан характерланади: ... *Ҳасанали Отабекни ечинтирар экан, ризосиз оҳангда деди:*

-*Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор! (А. Қодирий "Ўткан кунлар").* Ушбу матнда танбеҳ берувчи субъект (Ҳасанали)нинг объект (Отабек)га нисбатан устунлиги фақат ёшининг улуғлигида бўлиб, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан эса бунинг аксидир. Шундай бўлса ҳам, Ҳасанали боласи қаторида бўлган Отабекка вазият билан боғлиқ ҳолда танбеҳ беради. Субъект томонидан берилган "енгилгина" танбеҳ замирида қайғуриш, меҳрибончилик мазмуни акс этмоқда. Зеро, танбеҳ акти эксплицит жиҳатдан салбий бўлса ҳам, аммо имплицит жиҳатдан ижобий мазмунни воқелантириш учун хизмат қилади.

2.Киноя маъносини акс эттирувчи ундалмалар деярли тўлиғича салбий маъно устига қурилгандир. Негаки киноянинг ижобий мазмунда ифодаланиши мулоқот жараёнида кам кузатилади: *Азизим, қўрқманг, комиссияни ўзлари тинчитадилар. Сиз жиғига тегмасангиз, албатта... (З. Қуролбой қизи "Ёвузлик фариштаси").* Юқоридаги матнда киноя мазмуни тўлиғича салбий руҳда бўлиб, коммуникантлар ўртасида лисоний ассимметрия борлигидан далолат беради. Айрим ижобий мазмундаги ундалмалар сўзловчининг тингловчига муносабати талабидан салбий маънода ишлатилиши ҳам мумкин. Бунда ҳам кўпроқ киноя мазмуни англашилади:

- *Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшни-қўлончи, сайис, мирохўр, бою боёнлар, ошна-оғайниларингизга хат-патингиз йўқми (Ғ. Ғулом "Шум бола").* Сўзловчининг тингловчига нисбатан қандай муносабатда бўлиши фақат сўзловчига боғлиқ бўлиб қолмасдан, тингловчига ҳам боғлиқдир. Негаки

тингловчи, яъни адресат томонидан содир этилган ҳар қандай хатти-ҳаракат (нутқий, ишоравий, жисмоний) сўзловчининг руҳиятига таъсир қилади. Шу аснода унга нисбатан ижобий ёки салбий руҳдаги муносабат ҳосил бўлади ва бевосита нутқий мулоқотда юзага чиқади. Ғазаб ва нафрат семасига эга лексемаларнинг ишлатилиши адресат (тингловчи)нинг ноодатий ҳаракат содир этганлигини билдиради ва шунга мос равишда "жавоб олади": *Ҳожи воқеани табибдан эшиткан, шунинг учун ҳозирги фожиаъ саҳнасидан ажабланиб турмади:*

-Чиқ, Зайнаб, чиқ!- деди ул ҳам,-лаънат сендек хотинга! (А. Қодирий "Ўткан кунлар").

4.Дўқ-пўписа мазмунидаги ундалмали гапларда субъектнинг баҳоси салбий прагматик семали лексемалардан фойдаланиш орқали амалга ошади: *- Вой аблаҳ-ей, поччангнинг қумрисини нима қилдинг?* (Ғ. Ғулом "Шум бола").

5.Менсимаслик ва ҳақорат мазмунидаги мурожаат бирликлари ёши, лавозими, мансаби, ижтимоий жиҳатдан юқори турувчи шахслар томонидан қўлланилиши билан характерланади: *- Сен бизга хиянат қилдинг, ит увли!...*
-Сенинг қиғанг ишинг пусулмончилиқда борми, итувли?(А. Қодирий "Меҳробдан чаён").

Матндаги *ит увли* салбий бўёқдор мазмундаги ундалма бўлиб, диалектизм ҳисобланади. Бу бирикма (итувли//ит ўғли) инсонга нисбатан айтилганда тўлиқ ҳақорат мазмунини англатади ва сўзловчининг тингловчига нисбатан муносабати ўта даражада салбий эканлиги маълум бўлади.

Ижобий ёки салбий маънодан ташқари ундалмалар замирида тагмаъно ҳам акс этади. Тагмаъно кўринишида келган ундалмали гаплар ўрни билан ижобий ёки салбий маъно англатади. Бу сўзловчининг кайфияти ва тингловчининг уни қай ҳолда тушуниши билан боғлиқ:

-Мен хуфтанга чиқмайман, Раъно.

Раъно ярим йўлда тўхтаб, кулимсираган ҳолда Анварга қаради:

- *Чиқарман (А. Қодирий "Меҳробдан чаён").*

Келтирилган матнда сўзловчининг мақсади тингловчини вазиятдан фойдаланиб, ўз ёнига чорлаш ва ҳамсуҳбат бўлишга ундашдир. Тагмаънонинг ижобийлигини иккинчи коммуникантнинг "кулимсираши" ва биргина "чиқарман" лексемасидан билиб олишимиз мумкин. М.Ҳакимовнинг қайд этишича, тагмаъно тушунчаси семиологик ҳодиса ҳисобланиб, у матннинг ички семантик структурасида иштирок этади. Сўзлашувчиларнинг объектив олам хусусидаги тасаввурлари ва ўзаро муносабатлари яширин мазмуннинг тагмаъно

кўринишларида ўз ифодасини топади. Тагмаъно матннинг семантик таркибий қисмларидан бири саналиб, у нутк вазияти билан узвий боғланади [12, 77].

Ундалмали гаплар асосан, нутқий мулоқот жараёнида фаол қўлланилиши унинг прагматик вазифаларидан бири саналади. Бунда баҳо англатувчи лексемалар субъектнинг дунёқараши доирасида ишлатилади ва "баҳо мезони ҳар бир коммуникант учун турлича бўлади [1,19].

ХУЛОСА

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ундалмаларнинг ижобий ёки салбий маъно англатиши, аввалambор, адресантнинг эмоцияси билан боғлиқ. Инсонлар ҳаётида эмоционал-ҳиссий турли-туманлик мавжуд экан, буларнинг барчаси нутқда ўз ифодасини топади. Нутқда акс этаётган эмоционал бирликлар баҳолаш фаолияти орқали ҳам ифодаланади. Баҳолаш сўзларининг мазмун хусусияти ва сўзловчининг психологик ўзига хослиги аксиологик модал маъноларнинг мураккаблигидан ва семантик ифодага эга эканидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф.-Фарғона, 2018.- 51 б.
2. Боймирзаева С. Матн модаллиги.- Тошкент: Фан, 2010.- 150 б.
3. Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения// Избранные труды, Исследования по русской грамматике,-М., 1975, С.259.
4. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). Тошкент: Ўқитувчи, 1995.- 230 б.
5. Мирзаахмедова Ю. Модаллик категорияси ҳақида мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, № 6. –71-75 б.
6. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 295-300.
7. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7*(7), 308-317.
8. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta'limi, 7*(7), 63-64.
9. Ботирова Ш. И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.

10. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
11. Botirova S. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
12. Ш. Сафаров. (2008). Прагмалингвистика.Тошкент: ЎзМЭ. 255 б.
13. Фитрат А. (1930). Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб. Наҳв. 4-босма. Уздавнашр. Самарқанд-Тошкент, 32- б.
14. Ўринбоев Б. (2005). Синтактик муносабатлар. Самарқанд. 144 б.
15. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. (2004). Ўзбек тилининг структурал синтаксиси (Ўқув қўлланмаси). Тошкент, 144 б.
16. Қозоқова Н. (2018). Мурожаат бирликларининг функционал-прагматик хусусиятлари. Тил ва адабиёт таълими, №6. 34-б.
17. Ҳакимов М. (2013). Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.-Тошкент: Академнашр, 176 б.
18. Eshonqulova, S. (2009). Nodira she'riyatida Xizr obrazining badiiy talqini. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali. Toshkent. №6. 74-76.
19. Эшонкулова С. (2012). Поэтическое толкование образа Хызра в лирики Надиры бегим. Вестник Челябинского государственного университета. – Россия, Челябинск. №12. С.119-121.
20. Эшонкулова С. (2019). Традиции восточной литературы в творчестве Надиры. Jurnal. "Theoretical & Applied Science" Impact Faktor. –Philadelphiya: USA. № 02 (70). S. 262-267.
21. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8* (10), Part II. 129-133.

REFERENCES

1. Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф.-Фарғона, 2018.- 51 б.
2. Боймирзаева С. Матн модаллиги.- Тошкент: Фан, 2010.- 150 б.
3. Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения// Избранные труды, Исследования по русской грамматике,-М., 1975, С.259.
4. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). Тошкент: Ўқитувчи, 1995.- 230 б.

5. Мирзаахмедова Ю. Модаллик категорияси ҳақида мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, № 6. –71-75 б.
6. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 295-300.
7. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7*(7), 308-317.
8. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta'limi, 7*(7), 63-64.
9. Ботирова Ш. И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.
10. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
11. Botirova S. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
12. Ш. Сафаров. (2008). Прагмалингвистика.Тошкент: ЎзМЭ. 255 б.
13. Фитрат А. (1930). Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб. Наҳв. 4-босма. Уздавнашр. Самарқанд-Тошкент, 32- б.
14. Ўринбоев Б. (2005). Синтактик муносабатлар. Самарқанд. 144 б.
15. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. (2004). Ўзбек тилининг структурал синтаксиси (Ўқув қўлланмаси). Тошкент, 144 б.
16. Қозоқова Н. (2018). Мурожаат бирликларининг функционал-прагматик хусусиятлари. Тил ва адабиёт таълими, №6. 34-б.
17. Ҳакимов М. (2013). Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.-Тошкент: Академнашр, 176 б.
18. Eshonqulova, S. (2009). Nodira she'riyatida Xizr obrazining badiiy talqini. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali. Toshkent. №6. 74-76.
19. Эшонкулова С. (2012). Поэтическое толкование образа Хызра в лирики Надиры бегим. Вестник Челябинского государственного университета. – Россия, Челябинск. №12. С.119-121.
20. Эшонкулова С. (2019). Традиции восточной литературы в творчестве Надиры. Jurnal. "Theoretical & Applied Science" Impact Faktor. –Philadelphiya: USA. № 02 (70). S. 262-267.
21. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8* (10), Part II. 129-133.